

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга расмий ташриф билан Будапешт шахрига келди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етакчилигини Венгрия иқтисодий ривожланиш вазири Мартон Надь ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ференц Лист номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий

даражадаги Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари Венгриянинг расмийлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Президенти 21 май кунини Венгрия пойтахтида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВЕНИЯ: 30 ЙИЛЛИК ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 21-22 МАЙ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН СЛОВЕНИЯДА БЎЛАДИ

Ушбу ташриф Ўзбекистон — Словения дипломатик муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланадиган йилда амалга ошиши рамзий маънога эга. 1995 йил 16 январдан бошлаб икки томонлама ҳамкорлик барқарор динамикани намён этиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган ҳолда изчил ривожланмоқда.



Экспертлар фикрича, Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва конструктив мулоқот руҳида янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Ҳар икки давлат ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини диверсификация қилишга интилиб, ўзаро манфаатли алмашинув

ва икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган умумий тил топмоқда. Словения Европа Иттифоқи аъзоси сифатида Ўзбекистон учун ЕИ билан муносабатларни чуқурлаштириш исти- гда муҳим ҳамкордир.

Давоми 2-бетда



Ёзни қандай ўтказамиз?!

Чамаси ўн йиллар олдин ҳам глобал иситиш борасидаги ваҳимали гапларни олис келажақ билан боғлардик. Иқлим ўзгаришлари оқибатлари, салбий таъсирлари кел- гуси авлодларга хавф солишидан хавотир олиб гапира бошлагандик. Аммо муаммога аллақачон яқин келганимиз, ҳатто унинг ичида яшай бошлаганимиз тобора ойдин- лашмоқда. Олимларнинг бу борадаги ба- шоратлари шунчаки ваҳима кўтариш эмас- лигини тушуниб етганиз.

Об-ҳавонинг кескин иситиш совиб кет- тиши, қурғоқчилик, тез-тез кузатилаётган чанг ва қум бўронлари, сув тошқинлари ва ёнгинлар — буларнинг бари сайёрамиз

аҳолиси ҳаёт тарзига бевосита таъсир кў- ратмоқда. Бугун ушбу оқибатлар ҳақида гап борганида, бир ёки бир нечта давлат- ни мисол келтира олмаймиз, вазият ҳамма жойда деярли бир хил.

Йил фаслларига хос бўлган одатий ҳаво ҳарорати кескин ўзгариб, аномал, яъни меъёридан ортиш ҳолатлари юртимизда ҳам кейинги йилларда кузатила бошлади. “Аномал деган сўз аввал йўқ эди” каби ки- но-ноялар ортида аслида ҳам бу тушунчанинг пайдо бўлиши йил сайин кучайиб бора- ётган иқлим ўзгаришлари таъсири билан боғлиқ экани ётади. Бунга ҳам ўргандик, “янги” атама тилимизга ҳам мослашди.

Давоми 4-бетда

ЗАМОНАВИЙ БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА ТАЛАБНИ ОШИРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш материаллари саноатидаги ишлар ва асосий вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Аҳоли сони ўсиб, урбанизация кенгайиб бо- раётгани сифатли қурилиш материалларига та- лабни йилдан йилга оширяпти. Тармоқ шунга мос равишда ривожлантириб борилмоқда. Кўп- лаб лойиҳалар амалга оширилиб, ҳозирги кунда 10 мингта яқин корхона фаолият юритмоқда.

Бу йил биринчи чорақда ишлаб чиқариш 8 фозига, экспорт эса 11 фозига ўсди. Инвести- ция дастури доирасида 500 миллион доллар- лик 9 та йирик лойиҳа ишга тушди. Душанбе, Кобул ва Филадельфия шаҳарларида “Ўзбеки- стон савдо уйи” ташкил этилди.

Ҳали олдинда режалар кўп. Йил якунига- ча 2,4 миллиард долларлик 312 та лойиҳани бажариб, 16 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш миқдорини 53 трил- лион сўмга, экспортни 1,2 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Тақдиротда мутасаддилар ушбу кўрсат- қиларга эришиш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари соҳада сифат, таннарх ва қурилиш маданияти энг долзарб масала эканини таъкидлади. Замонавий технология- ларни жорий этиб, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, юртимиздаги бунёдкорлик ишларида улардан кенгроқ фой- даланиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Бунга эришишда илм-фан ва амалий ишланмалар муҳим. Шу мақсадда соҳа бўй- ча “R&D” тадқиқотлар маркази очилди, Германиядан маслаҳатчи жалб қилинди.

Мисол учун, ариқ ва канал юзалари учун ўрамли бетон қопламаси тайёрлаш технологияси бўйича иш бошланган. Натижада бетонлашга ке- тадиган вақт ва харажат 10 фозига, сув сарфи 3-5 фозига камайиши ҳисоб-китоб қилинган.

Президентимиз геология ва илмга катта эъ- тибор қаратиб, ички ва ташқи бозорлар учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар етқа- зиб бериш зарурлигини таъкидлади. Энергия ва ресурс сарфи юқори йўналишларни таҳлил қилиб, тежамкор инновацион ечимларни қўл- лаш муҳимлиги қайд этилди.

Ўтган йили тармоқдаги йирик корхоналар энергия аудитидан ўтказилганда 300 мил- лион киловатт соат иқтисод қилиш имконияти аниқланган. Бундай корхоналарда технология- ни янгилаш ҳамда иш тартибини оқилонга таш- қил этиш орқали харажатларни камайтириш мумкинлиги қайд этилди.

“Шаффоф қурилиш” платформасида ку- рилиш материаллари корхоналари реестрини ташкил қилиб, у орқали сифат назоратини таъ- минлаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ҚАТНОВИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

Давлатимиз раҳбарига Тошкент метрополитенини ривожлантириш бўйича режадаги лойиҳалар юзасидан ахборот берилди.

Пойтахтимиз жамоат транс- портида метрополитеннинг ўрни жуда катта. Йўловчиларга қу- лайликларни ошириш мақсадида янги йўналишлар қурилмоқда. Юнусобод йўналиши Туркистон бека- тигача, Чилонзор йўналиши Сергели туманигача узайтирилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкентда ерусти метроси ҳам пайдо бўлди — Дўстлик бека- тидан Сергелигача бўлган ерусти халқаси барпо этилди. Бу янги йўналишлар пойтахтимизнинг Юнусобод, Яшнобод, Бектемир, Миробод, Сергели ва Янгиҳаёт туманларини боғлаб, аҳолининг кундалик қатновига катта қулай- лик яратди.


Энди метрополитенни Тош- кент трактор заводи даҳасигача олиб бориш режалаштирилган. Бу бўйича ўтган аввалги муҳокама- ларда Президентимиз лойиҳани маблағ ва қулайлик жиҳатидан мақбуллаштириш вазифасини

қўйган эди. Шу асосида тайёрлан- ган янги таклифга кўра, лойиҳани 2 босқичда амалга ошириш назар- да тутилмоқда. Биринчи босқичда Чилонзор йўлининг Пушкин бека- тидан Мирзо Улуғбек туманининг Феруза даҳасигача мавжуд темир йўлга параллель равишда ер юза- си бўйлаб метро йўли қурилади. Иккинчи босқичда у ердан Тош- кент трактор заводи даҳаси шох бека- тигача йўналиш барпо эти- лади.

Ҳозирги кунда шу йўналишдан пойтахтимиз марказига бир ку- нда 47 мингта автотранспорт, жами 194 мингта йўловчи кириб кели- ши кузатилаётган. Режалаштирил- ган янги йўналиш кунига 85 минг йўловчини қамраб олиши кутил- моқда.

Тақдиротда лойиҳанинг техник ва амалий жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди.

ЎЗА



Барқарор ривожланишнинг замонавий модели фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки инсон ва табиат уйғунлиги асосида ривожланишдир. “Яшил” тараққиёт бугунги кунда жаҳон миқёсидаги энг долзарб мавзулардан бирига айланди. У нафақат экологик муаммоларга ечим, балки рақобатбардош, технологик ва инклюзив иқтисодиёт қурилишнинг асосидир.

Умумий қилиб айтганда, “яшил” та- раққиёт нафақат табиатни, балки инсон ҳаётини асраш, иқтисодиётни рақо- батбардош ва барқарор қилиш восита- си ҳамдир. Ўзбекистон ана шу йўлдан



изчил ва қатъий қадамлар билан бор- моқда. Зеро, Президентимиз шу йил 4 апрель куни бўлиб ўтган Самарқанд

халқаро иқлим форумида алоҳида таъ- кидлаганидек, “Бизнинг вазифамиз — келажақ авлодлар барқарор, хавфсиз

ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўриш”.

Бугун дунё давлатлари ўртасида ўзаро ишонч сусайиб бораётган, сиёсий, иқти- содий, савдо муносабатларидаги зид- диятлар, энергия, сув ва ер ресурслари танқислиги вужудга келаётган, иқлим ўз- гаришларининг салбий оқибатлари яққол сезилаётган бир шароитда ўзаро тенг манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, ресурслардан тежамкорлик билан фойда- ланиш, атроф-муҳитга кам таъсир қилув- чи технологияларни жорий этиш инсо- ният олдидаги асосий масалага айланди.

Давоми 3-бетда

ЖАСОРАТ АБАДИЙЛАШУВИ



ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА



